

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 849-ҳадис

849 – وَعَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا جَلَسَ قَوْمٌ مَجْلِسًا لَمْ يَنْكُرُوا اللَّهَ تَعَالَى فِيهِ، وَلَمْ يُصَلُّوا عَلَى نَبِيِّهِمْ فِيهِ إِلَّا كَانَ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ، فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ، وَإِنْ شَاءَ عَفَّرَهُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ حَدِيثٌ حَسَنٌ [3380].

849. У кишидан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Бирор қавм бир мажлисда ўтириб, Аллоҳ таолони зикр қилмаса, Набийларига салавот айтишмаса, унга ҳам пушаймонлик етади. Агар уларни, хоҳласа азоблайди хоҳласа, кечиради»,** дедилар.

*Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ:** Уламолар юқорида зикр қилинган ҳадисларга таянишиб, мажлисларнинг Аллоҳ зикридан холи бўлиши макруҳ эканини айтганлар. Қиёмат кунида ҳасрат ва надомат бўлиши фақат фарз ёхуд вожиб амаллар тарк қилингани боис бўлавермайди, балки жаннатдаги даражаларни кўтарилишига сабаб бўладиган мустаҳаб амаллар тарк қилингани учун ҳам бўлиши мумкин. Шунга қарамай ҳадисдаги “Аллоҳ хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа мағфират қилади”, деган иборанинг зоҳири ҳар бир мажлисда Аллоҳни зикр қилиш ва Пайғамбар алайҳиссаломга салавот айтиш лозимлигига далолат қилади. Шунга кўра ҳадисдаги “Аллоҳ хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа мағфират қилади”, деган ибора ҳар мажлисда Аллоҳни зикр қилиш муҳим эканини таъкидлаш учун муболаға тарзида айтилган ёки мажлисда ўтирганлардан содир бўлиши мумкин бўлган, азоб-уқубатга дучор қиладиган сўз ёки хатти-ҳаракатларга тааллуқлидир. Аллома Мулла Али Қорий роҳимаҳуллоҳ “Мирқотул мафотех” асарида ҳадисдаги мазкур иборани шарҳлаб шундай дейди: “Аллоҳ хоҳласа уларни азоблайди”, яъни уларнинг собиқ гуноҳлари ёки бўлажак хато-камчиликлари сабабли азоблайди”.

Мажлисда Аллоҳни зикр қилиш ва Пайғамбар алайҳиссаломга салавот айтиш муайян бир кўринишда чекланмаган. Аллоҳни зикр қилиш бениҳоят кенг тушунча бўлиб, Қуръон тиловат қилиш, ҳадис ўқиш, бирон оят ёки ҳадис мазмунини ўрганиш ва муҳокама қилиш, турли муносабатлар билан

айтиладиган зикр ва дуоларни қилиш, “Субҳаналлоҳ”, “Алҳамдулиллаҳ” ва “Аллоҳу акбар” каби зикрларни айтиш, шунингдек, Аллоҳдан истиғфор сўраш каби тоат-ибодатлар билан рўёбга чиқиши мумкин.

Аллома Муновий “Файзул Қадийр” китобида шундай дейди: “Аллоҳни зикр қилиш ва Пайғамбарга салавот айтиш мажлисдан қўзғалиш пайтида айниқса таъкидлироқ бўлади. Зикр ва салавот айтиш амали ҳар қандай сўзлар билан ҳосил бўлаверади. Шундай бўлсада, зикрнинг энг мукаммали “Субҳаанака Аллоҳумма ва биҳамдик, Ашҳаду аллаа илааҳа илла анта, астағфирука ва атубу илайк”дир. Пайғамбар алайҳиссаломга айтиладиган салавотнинг энг мукаммали эса намознинг қаъдасида айтиладиган (“Аллоҳумма солли ала...”, деб бошланадиган) салавотдир”.

Муновий роҳимаҳуллоҳ ишора қилган зикр “каффоратул мажлис” деб аталади. Бу ҳақда бир неча ҳадислар келган, шулардан энг мукаммали юқорида ўтган: “Субҳаанака Аллоҳумма ва биҳамдик, Ашҳаду аллаа илааҳа илла анта, астағфирука ва атубу илайк”.

Ким бу сўзларни зикр мажлисида айтса, бу сўзлар унга босилган муҳр каби бўлади. Ким бу сўзларни лағв - беҳуда гаплар айтилган мажлисда айтса, унга каффорат бўлади”.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар қандай мажлис ёки давраларда Аллоҳни зикр қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш мустаҳаб, мажлисларнинг зикр ва салавотдан холи бўлиши макруҳдир. Шунинг учун мўмин киши қиёмат кунда ҳасрат ва надомат бўлмаслиги, унинг жаннатдаги даражалари янада юксалиши учун имкон қадар мажлисларни зикр билан обод қилиши, беҳуда сўзлардан четланиши лозим экан.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

